

ПОЙТАХТДАГИ электротехника алоқа институтининг кафедралари замонавий аппаратуралар билан жиҳозланган бўлиб, студентлар назарий билимларини улар ёрдамида амалда синаб кўриш имконига эгадирлар. Суратда: радио эшиттириш ва радио алоқаси факультетининг учинчи курс студентларидан Ж. Хўжабеков ва Д. Кўпяшаров амалий машғулот пайтида.

М. Нуриддинов фотоси.

# ЛУБКОРЛАР МАРРАСИ

ЛУБ саноати областимиз экономикасининг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади. Унинг корхоналарида халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун зарур бўлган кўплаб турли-туман маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Совет кишилари рўзғори учун ҳам қатор буюмлар тайёрланяпти. Қисқаси луб саноати ходимлари зиммасидаги вазифа масъулиятли ва шарафли. Улар бунинг уддасидан қандай чиқишяпти. Тошкент луб тайёрлаш саноати бирлашмасининг яқинда бўлиб ўтган область партия-хўжалик активи йиғилишида бу масала атрофлича муҳокама қилинди.

Йиғилишда бирлашма бошлиғи ўртоқ Р. Эргашев луб саноати корхоналарининг 1976 йилдаги иш якунлари ва уларнинг 1977 йил планлари ва социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажариш бўйича вазифалари ҳақида доклад қилди. Докладчи ва музокарада иштирок этган нотиқлар шуни таъкидлашдики, область луб саноати ходимлари ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида дуруст меҳнат зафарларини қўлга киритдилар. Барча корхоналарда КПСС XXV съезди белгилаб берган улкан социал-иқтисодий программани муваффақиятли амалга оширишга муносиб ҳисса қўшиш учун қизғин кураш борди. Айниқса, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишга катта эътибор берилди.

Корхоналарда авж олиб кетган социалистик мусобақа, ишчи-хизматчиларнинг мисли кўрилмаган сиёсий ва меҳнат активлиги ютуқларга эришишда ҳал қилувчи роль ўйнади. Шунинг учун ҳам бирлашма бўйича маҳсулот реализация қилиш йиллик плани муддатидан анча илгари адо этилди. Пландагидан ташқари 4,7 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот реализация қилинди ёки йиллик топшириқ 6,2 процент ортиғи билан адо этилди. Қўшимча кўплаб маҳсулот тайёрланди. Биргина ўраш газмолидан 452 минг погон метр тўқилди ва буюртмачиларга етказиб берилди. Шунингдек хўжалик арқони, кабель саноатида ишлатиладиган тола ишлаб чиқариш топшириқлари ҳам ортиғи билан адо этилди.

Бирлашма корхоналари коллективлари ўз фаолиятларининг қатор бошқа техник-иқтисодий кўрсаткичларини ҳам муттасил яхшиламоқдалар. Жумладан, меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича белгиланган топшириқ умуман бирлашма бўйича 104,4 процент қилиб адо этилди. Бу соҳада Тошкент каноп фабрикаси, Новомихайловск, Солдатск, Кетмонтепа луб заводлари, экспериментал-механика заводи коллективлари яхши кўрсаткичларга эришдилар.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг энг муҳим омилларидан бири бўлган маҳсулот таннархи ҳам муттасил камайтириб борилди. Қатор корхоналарда янги техникани жорий қилиш, мавжудларини такомиллаштириш ва яхшилаш, шунингдек меҳнатни пухта ташкил этиш туфайли бу соҳада яхши натижаларга эришилмоқда.

Ўтган йили луб хом ашёсини қайта ишлашда бурилиш бўлди дейиш мумкин. Чунки, илгарилари қатор сабаблар оқибатида луб заводларида хом ашёнинг анчагина қисми қайта ишланмасдан кейинги мавсумга қолиб кетар эди. Бу корхоналарни оғир молиявий аҳволга тушириб қўярди. Кўрилган чоралар, барча коллективларнинг куч-ғайрати туфайли ана шу нуқсон ўтган йили биринчи марта бартараф этилди. Луб заводлари каноп хом ашёсини тайёрлаш бошлангунча олдинги йиллардан ортиб қолган барча хом ашёни қайта ишлашни тўла тугатишга муваффақ бўлдилар. Бунинг натижасида янги ҳосил канопини тайёрлаш ва қайта ишлаш мавсумига пухта тайёргарлик кўриш имкони туғилди. Шунинг учун ҳам ўтган йили бирлашма корхоналари 322 минг тонна хом ашё қабул қилди. Бу тайёрлаш ва ишлаб чиқариш плани 107,3 процент қилиб адо этилди демакдир.

Докладчи ва нотиқлар бирлашма коллективи қўлга киритаётган ютуқларга муносиб ҳисса қўшаётган корхоналар ишчи-хизматчилари ҳақида мароқ билан гапирдилар. Социалистик мусобақанинг муттасил самарали бўлаётганлигини алоҳида таъкидлашди.

Ўтган йили мусобақанинг барча формаларида 4 мингга яқин ишчи-хизматчи ва инженер-техник ходим иштирок этди. Икки корхона, 50 га яқин участка ва цех, 124 бригада коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун курашмоқда. Кўплаб ишчилар бир беш йилликда икки беш йилликни бажариш юзасидан бошланган ҳаракатда фаол қатнашмоқдалар.

Тошкентдаги каноп фабрикасининг пилталовчиси В. Свиридова, Кетмонтепа луб заводи ивитувчиси В. Живайкин, Янгибозор луб заводи ишчиси М. Пўлатов, Жумабозор луб заводи прессловчиси В. Романов ва бошқа ишчилар бирлашма корхоналарида бу ҳаракатнинг байроқдорлари бўлишди.

Бирлашма коллективи фаолиятида ана шундай ютуқлар қатори кўпгина камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Актив иштирокчилари бу камчиликларнинг сабабларини очиб ташлаш ва уларни бартараф этишни тезлаштиришга қаратилган жуда кўп фикр-мулоҳазаларни ўртага ташладилар.

Қатор корхоналар барча ишлаб чиқариш кўрсаткичлари бўйича планларнинг бажаришнинг уддасидан чиқмаяптилар. Масалан, Новожизненск, Қўрғонча, Тошовул, Уяли ва Гул луб заводлари каноп толаси ишлаб чиқариш планини бажармади. Умуман бирлашма бўйича асосий технологик асбоб-ускуналардан фойдаланиш бироз яхшиланган бўлса ҳам, бу соҳада ҳамон жуда кўп нуқсонлар бор. Корхоналардаги титиш-ювиш машиналари 3 минг машина-соатдан ортиқ вақт давомида ишламай турди. Бунинг оқибатида 1200 тоннадан кўпроқ узун тола ишлаб чиқарилмай қолди. Бу соҳа Қўрғонча, Тошовул, Янгибозор ва бошқа луб заводларда жуда оқсамоқда. Мавжуд асбоб-ускуналардан унумли фойдаланмаслик эса ишлаб чиқаришга сезиларли даражада зарар келтирмоқда.

Актив йиғилишида тайёрланаётган маҳсулот сифатини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳали ҳам талаб даражасида эмаслиги кўрсатиб ўтилди. Умуман бу соҳада силжиш бўлишига қарамай ҳамон мижозлардан норозилик хатлари олинмоқда. Натижада тайёрланган ва буюртмачиларга етказиб берилган маҳсулотнинг умумий баҳоси 310 минг сўмлик камайтирилди.

Актив қатнашчилари Тошкент каноп фабрикасининг илғор йигирувчиси Н. Е. Пушкарева, Новомихайловск луб заводининг навларга ажратувчиси, мураббий Р. Лисаконоваларнинг нутқини мароқ билан тингладилар. Социалистик мусобақа пешқадамлари ҳисобланган бу ишчилар ўзларининг илғор иш тажрибалари ҳақида батафсил гапиришди. Айни вақтда улар мавжуд асбоб-ускуналардан фойдаланишни яхшилаш, ташаббускорларни қўллаб-қувватлаш, янгиликларни ёйиш, ёш ишчиларга танлаган касбини ўргатишни яхшилаш билан боғлиқ бўлган қатор масалаларни ҳам ўртага ташладилар.

Қўрғонча луб заводи директори Р. Миртолипов, транспорт-экспедиция базаси партия ташкилотининг секретари А. Абдуллаев ва музокарада қатнашган бошқа нотиқлар ўз коллективларининг ўтган хўжалик йилидаги меҳнат фаолияти ҳамда бу йил олдиларида турган вазифаларни шараф билан бажариш учун қандай чоралар кўришаётганликлари ҳақида ҳикоя қилиб бердилар.

Актив йиғилишида Ўзбекистон ССР Пахта тозалаш саноати министри В. У. Усмонов нутқ сўзлади.

Йиғилиш қатнашчилари областдаги барча луб саноати ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларига қарата ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йили плани ва социалистик мажбуриятларни шараф билан бажаришга даъват этувчи мурожаат қабул қилдилар. Шунингдек, бирлашма коллективининг бу йилги социалистик мажбурияти тасдиқланди.

Актив йиғилишида Тошкент область партия комитетининг секретари Н. И. Малихин, область ижроия комитети раисининг ўринбосари Ф. Ёқубов, область партия комитетининг бўлим мудири О. У. Исҳоқов иштирок этдилар.

М. МИРҲАМИДОВ.

# ЮҚОРИ САВИЯДА

БЕКОБОД районидаги «КПСС XXV съезди» совхозида сиёсий ўқиш машғулотлари қизғин давом эттирилмоқда.

Совхознинг барча бўлимлари, марказий ремонт устахонасида коммунистларнинг ўз сиёсий билимларини оширишлари учун етарли шароит яратиб берилган.

Айниқса, Нурдиали Матқулов пропагандистлик қилаётган 4-бўлим, Абдунаби Ражабов пропагандист бўлган 5-бўлим коммунистларининг сиёсий ўқув машғулотлари қизиқарли ўтмоқда. А. Тошматов, М. Бобоев каби кўпгина тингловчилар КПСС XXV съезди материалларини чуқур ўрганиб, ўз билимларини амалий машғулотларда намойиш қилмоқдалар.

Р. БАГИРОВ,
Бекобод райони.

*Газетхон ташаккури*

# РАҲМАТ, ШИФОКОРЛАР

Ҳурматли редакция, Улуғ Ватан урушининг жангларидан бирида оёғим оғир яраланган эди. Госпиталда даволаниб, яна жангга кирдим. Ғалабадан сўнг, она қишлоғим — ҳозирги Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозига қайтиб, даладаги енгил ишлар билан шуғулландим. Йиллар ўтиши билан дард ўз асоратини қолдирганлиги сезилди. Даволаниш учун Тошкентдаги ортопедия ва травматология илмий-текшириш институтининг шифохонасига ётқизишди. Врачлар яраланган жойдаги суяк саломатлигим учун хавф солаётганлигини аниқладилар, Аммо моҳир шифокорларнинг ёрдами туфайли яна меҳнат қучоғига қайтдим.

Ширин сўз — жон озиғи дейишгани бежиз эмас экан. Айниқса, касалхона врачи Абдувоҳид Тошпўлатов, ҳамширалар Мактуба Каримова, Людмила Губачеваларга чин кўнгилдан миннатдорчилик изҳор этаман. Мени фақат дори-дармонлар эмас, шу қўли гул, меҳри дарёларнинг ширинсуханлиги, эътиборлилиги оёққа турғазди. Яна бир бор катта раҳмат, шифокорлар!

И. МИРШАРИПОВ,
Улуғ Ватан уруши инвалиди.

# У ЁҒИ ҲАЙ-ҲАЙ, БУ ЁҒИ ВОЙ-ВОЙ

БУ КОЛХОЗ ерлари қирлик, паст-баландликлардан иборат, шўрхок, сизот сувлари ер юзасига яқин. Бунинг устига Жўнариқнинг пайнови шу колхоз далаларига келиб тақалади. Авжи ғўза парвариши қизғин дамларда баъзан сув танқислиги рўй бериб туради. Ана шундай шароитда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олиш деҳқондан катта маҳорат ва сабр-тоқат, матонат, жасоратни талаб этади.

Колхозда ўз касбига меҳр қўйган, ҳар қандай қийинчиликларни бартараф этиб, оғир дамларда ҳам «оқ олтин»дан мўл ҳосил етиштириб келаётган азаматлар озмунча эмас. Карим Аҳмедов, Турди Муталиев, Мирза Қодиров, сингари бригада бошлиқларининг номини ҳамма ҳурмат билан тилга олади. Улар йил сайин пахтадан юқори ҳосил етиштирмоқдалар. Ўтган йили эса ҳар гектаридан 35—36 центнерга етказиб хирмон кўтардилар. Ана шу сингари фидокорларнинг мардонавор меҳнати туфайли умуман пахтадан юқори ҳосил олинди. Колхоз бўйича мавжуд 940 гектар майдоннинг ҳар гектаридан олинган пахта ҳосили 33 центнерданга тўғри келди. Ваҳоланки, бундан икки-уч йил муқаддам ана шу майдонларнинг ҳар гектаридан 24—26 центнердан ҳосил олинган эди.

— Ҳали фойдаланилмаётган резервлар, имкониятлар анчагина,— дейди колхоз раиси Ш. Бектўраев,— КПСС Марказий Комитетининг мактубида қишлоқ хўжалик экинлари, шу жумладан, пахта ҳосилдорлигини янада ошириш, бунинг учун эса деҳқончилик маданиятини тинмай юксалтириш вазифаси қўйилди. Биз ўтган йил якунларини таҳлил этар эканмиз, ана шу мактуб асосида янги-янги тадбирларни белгилаб чиқдик. Бу йил ҳосилдорликни кам деганда 36 центнерга етказишга бел боғлаганмиз. Айрим бригадалар эса 50 центнерлик маррани мўлжаллаб турибдилар.

Бу юксак социалистик мажбуриятни бажариш учун тайёргарлик ишлари аллақачоноқ бошлаб юборилган. Колхоз устахонасида иш қизғин. Техника ремонти ниҳоясига етай деб қолди, экиш агрегатлари мавсумга шай турипти. Кўплаб маҳаллий ўғит жамғарилмоқда. Ҳар гектар ерга кам деганда 10 тоннадан гўнг солинади. Жўнариққа яна тўғон ташланган. Ерларга яхоб суви беріляпти, карталарни йириклаштириш, капитал текислаш ишлари ҳам бошлаб юборилган.

Бир сўз билан айтганда, колхозчилар янгича умид, янгича ғайрат билан меҳнат қилиб, пахтачиликдаги ютуқларни мустаҳкамлаш учун астойдил курашмоқдалар.

Ўтган йили деҳқончиликдан 1 миллион 900 минг сўм даромад қилинди. Хўжаликнинг бу соҳадаги ишлари натижасини кўриб қувонасан, киши. Лекин гап чорвачиликка келиб тақалганида хўжалик раҳбарлари мақтаса арзигулик рақамларни тилга ололмай ер чизиб қоладилар. Бунинг боиси бор, албатта. Чорвачилик хўжаликнинг энг қолоқ соҳаларидан бири бўлиб келмоқда. Пахтачиликдан келаётган даромаднинг бир қисмини чорвачиликдан келаётган зарар ўпириб кетмоқда. Ҳар йили ҳисобот йиғилишида чорвачиликни ривожлантириш, бу соҳадаги камчиликларни тугатиш тўғрисида жиддий гаплар бўлади. Зарур тадбирлар белгиланади. Афсуски, бу тадбирлар қоғозда қолиб кетмоқда.

Бу йилги аҳвол ҳам сўзимизнинг тўғрилигини исботлаб турипти.

Колхоз сут-товар фермаси икки бўлимдан иборат. Биринчи корпус замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Вақт тушдан оққан эди. Сут соғувчилар навбатдаги сут соғишга тайёргарлик кўришяпти. Янги корпусда кўпгина меҳнат жараёнлари механизациялаштирилган. Лекин эскисида эса...

### ХЎЖАЛИКЛАРНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРАЙЛИК

Келтириб уйиб қўйилган силосни кимдир қопда, кимдир этакда молларга тарқатади. Айримлар бунга ҳам қаноат қилмай озуқаларни қўлда кўтариб кетишяпти. Тартиб шунақа, қайси сут соғувчи эпчил, чаққон бўлса, унинг боқимидаги говмушларга кўпроқ озуқа тегиб қолади. Шунинг учун ҳам ҳамма шошади. Натижада силоснинг бир қисми ерга тўкилиб оёқ ости бўляпти. Бундай аҳволни кўриб ҳайрон бўласан киши. Ажабо, колхоз жамғариб қўйган ем-хашакнинг таги шунчалик мўлми?!

Бош зоотехник Муродилла Нағалбоев бизнинг нима демоқчи эканлигимизни пайқаб олган эди. У хотиржамлик билан жавоб қилди:

— Раисимиз бор, нима ғамимиз бор,— деди у,— у киши жуда тадбиркор. Борни тез ундирадилар, йўқни йўндирадилар. Яқиндагина қўшни совхоздан саксон тонна хашак ундириб келдилар. Яна бир ҳаракат қилинса, моллар кўкка етиб олади.

Бу гапни эшитиб машҳур рус шоири А. Н. Криловнинг «Ниначи ва чумоли» масалани беихтиёр эсладик. Ниначи ёз бўйи ялло қилиб юриб, ғаниматдамларни қандай ўтиб кетганини ҳам билмай қолибди, сўнг қиш чилласида озуқа сўраб, чумолининг олдига борибди.

Партия ва ҳукуматимиз хўжаликни комплекс ривожлантириш, чорвачиликни ҳам рентабелли соҳага айлантириш талабини қўяётган кезларда бу колхоз раҳбарларининг қўшни хўжаликларга мурожаат қилиб, ем-хашак сўраб юришлари ниначининг аянчли аҳволини эслатмайдими?!

Ахир колхозда ер кўп, ем-хашак экинларини экиб, мўл ҳосил олиш имкониятлари бор. Бунинг устига ўтган йили кўклам серёғин келди. Табиий ўтлардан кўплаб хашак жамғариш мумкин эди-ку. Афсуски, шундай қилинмади. Жуда кўп хўжаликлар икки-уч йилга етадиган озуқа жамғаришди. Собир Раҳимов номли колхозда эса ем-хашак тайёрлаш плани бажарилмади. Пландаги 1405 тонна ўрнига 1252 тонна хашак, 600 тонна ўрнига 180 тонна пичан, 1427 тонна ўрнига 708 тонна силос тайёрланди, сенаж плани аранг уддаланди. Афсуски ёзда жамғариб қўйилган ана шу ем-хашаклардан тежаб-тергаб фойдаланилмаяпти. Ем-хашак молларга рацион асосида берилмаяпти. Маҳсулдорлик ҳам ана шунга яраша бўлмоқда. Сигирлардан жуда кам сут соғиб олинмоқда. Ўтган йили хўжаликда сут, тухум, жун етиштириш планлари бажарилмай қолди. Пландаги 339 тонна ўрнига 300 тонна сут, 115 минг дона ўрнига 97 минг дона тухум, 600 килограмм ўрнига 593 килограмм жун етиштирилди, холос. Агар тежамкорлик билан иш юритилганида эди балки планлар ошириб бажарилган бўлар эди. Колхоз бўйича ҳар бош соғин сигирдан олинган сут 2097 килограммдан ошмади. Бу жуда паст кўрсаткич, албатта.

Айни кунлардаги вазият ҳам ўтган йилдагидан фарқ қилмайди. Фермадан ҳар куни 800—900 килограмм ўрнига 580—600 килограмм сут жўнатилмоқда. Ҳар бош соғин сигирдан ўртача 4 килограммдан сут соғиб олинаётир. Тўғри, фермадаги сигирларнинг аксарияти жайдари. Лекин Козина Нуронова, Қуролат Дўстова сингари сут соғувчилар тажрибаси агар сигирларнинг боқуви яхши йўлга қўйилса, жайдари моллардан ҳам мўл-кўл сут соғиб олиш мумкинлигини кўрсатиб турибди-ку.

КПСС Марказий Комитетининг Мактубида чорвачиликни ривожлантириш, бунинг учун эса қишловни соз ўтказиш алоҳида таъкидлаб ўтилди. Фермадаги мутахассисларнинг масъулиятини ошириш керак. Чорвачиликка ўгай кўз билан қарамасдан бу соҳани ҳам рентабелли тармоққа айлантириш учун зарур тадбирларни амалга ошириш, сўздан амалий ишга ўтиш пайти аллақачон келиб етган-ку. Чорвага ҳам ихлос керак.

Р. ШЕРАЛИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.
Чиноз райони.

# Дунё овози
## чет эл хабарлари

# СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

### ҚИШКИ САНЪАТ ФЕСТИВАЛИ

● БЕРЛИН. «Қишлоқда қишки концерт» деган ўзига хос санъат фестивали кунларида етакчи оркестрлар ва ижрочилар ГДРнинг кооперативлашган деҳқонлари ҳузурига бориши республикада анъана бўлиб қолди. Бу фестиваль дала меҳнаткашлари учун нисбатан иш кам бўлган даврда, айни қишда ўтказилади.

Масалан, Лейпциг округидаги юздан ортиқ қишлоқ ва жамоаларда шундай фестивалларни ўтказишга киришдилар. ГДРнинг энг катта Нойбранденбург округида артистлар январь ойидан бошлаб апрель ойигача қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларига қарийб 150 концерт қўйиб берадилар.

### «ИКАРУС»НИНГ ЯНВАРЬ ОДИМЛАРИ

● БУДАПЕШТ. Машҳур «Икарус» заводида янги йилда ишни энг кўп заказ берган Совет Иттифоқи учун машиналар тайёрлашдан бошлаш анъана бўлиб қолди. Завод январь ойи давомида Венгрия автобусларининг энг йирик харидори бўлган Совет Иттифоқига 500 дан зиёд «Икарус» автобуси жўнатади. СССР 1977 йилда корхона йиллик маҳсулотининг тенг ярмини — 6 мингта «Икарус» автобусини олади.

### УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 60 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА

● ГАВАНА. Кубада халқлар тинчлиги ва суверенитети учун кураш ҳаракати томонидан уюштирилган «Совет тинчлик сиёсати» мавзуидаги конкурс зўр муваффақият билан ўтмоқда. Бу конкурс Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигига бағишланган. Конкурсда ишчилар, деҳқонлар, ўрта ва олий ўқув юртларининг ўқувчилари, рўзғор ишидаги аёллар, шунингдек ёзувчилар, журналистлар, ўқитувчилар, зиёлиларнинг бошқа вакиллари қатнашади.

Тинчлик ва халқлар тинчлиги ва суверенитети учун кураш ҳаракати миллий кенгаши раисининг ўринбосари Клементина Серра ТАСС мухбири билан суҳбатда конкурс ташкилотчиларининг энг асосий мақсади унинг иштирокчиларига Совет Иттифоқининг тинчликсевар ташқи сиёсатини янада чуқурроқ билиб олишга ёрдам беришдир, деди.

### БИНОКОРЛАРНИНГ ЗАРБДОР МЕҲНАТИ

● ПХЕНЬЯН. Халқ Кореясининг шарқи-шимолида Мусан — Чхончжин темир йўл участкасини электрлаштириш қисқа муддат ичида тугади. Бу йўл йирик темир руда ҳавзасини Чхончжин шаҳридаги металлургия корхоналари билан, шу жумладан республикада энг йирик Ким Чак номли завод билан боғлайди. Участканинг электрлаштирилиши бу йўлда поездлар қатновини икки баравар кўпайтириш имкониятини беради. Мусандан биринчи электропоезд жўнаб кетди.

(ТАСС, 26 январь).

### МАМЛАКАТНИ ТИКЛАШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНМОҚДА

БАЙРУТ, 26 январь. (ТАСС). Бу ерда президент И. Саркис раислигида Ливан ҳукуматининг мажлиси бўлиб ўтди. Газеталарнинг хабар беришича, мажлисда мамлакат хавфсизлигини таъминлашга доир масалалар муҳокама қилинди. Ҳукумат шунингдек ривожланиш ва реконструкция кенгашини тузишга қарор қилди. Бу кенгаш планлаштириш министрлиги вазифасини адо этади ва гражданлар уруши вақтида издан чиққан экономикани қайта тиклаш масалалари билан шуғулланади.

Ливанда тинчликни сақловчи араб мамлакатлари кучлари мамлакатда ўзининг назорат доирасини кенгайтирмоқда. Улар Жанубий Ливаннинг Набатия шаҳрига, шунингдек пойтахтнинг христианлар яшайдиган Ашрафия районига ҳам келдилар. Бу ерда мусулмон жамоалари бошлиқларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда Ливан Бош министри С. Хосс, собиқ бош министрлардан Т. Солҳ, А. Яфи, Р. Солҳ ва бошқалар қатнашдилар. Матбуотнинг хабар беришича, кенгаш қатнашчилари мамлакатдаги аҳволни муҳокама қилишган. Улар, шу жумладан Бош министр Ливаннинг бирлигини сақлаб қолишни қатъий талаб қилдилар ва мамлакатни бўлиб юборишга имкон берадиган марказлаштирилмаган сиёсий ҳокимият тузиш планларини қораладилар.

## МУЗОКАРАЛАРДАН КЕЙИН

ЛОНДОН. (ТАСС). Лондондаги музокаралар тамом бўлганидан кейин Германия Федератив Республикасининг канцлери Г. Шмидт ва Англия Бош министри Ж. Каллагэн Англия телевидениесида сўзга чиқдилар.

Г. Шмидт Л. И. Брежневнинг Туладаги тантанали мажлисда сўзлаган нутқи муҳим эканлигини таъкидлади ва КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг СССР Ғарб мамлакатлари билан, шу жумладан ГФР ва Буюк Британия билан муносабатларни янада ривожлантиришга интилаётганлигини таъкидлаб ўтганлигини алоҳида қайд қилди. Мен, деди Ғарбий Германия канцлери, Совет Иттифоқи кескинликни юмшатиш сиёсатига аввалдагидек ҳозирда ҳам амал қилмоқда ва шу сабабли СССРга нисбатан доим иғвогарлик йўлини тутишдан ҳеч қандай маъно йўқ, деб ҳисоблайман.

Ж. Каллагэн ҳам стратегик қурол-яроғларни чеклаш тўғрисидаги иккинчи битимни тезроқ тузишга умид боғлаганлигини айтди. Бу битим, деди у, «қуролсизланиш ҳақидаги музокараларга янги ҳаёт бахш этади».

Ж. Каллагэн Совет Иттифоқининг куч-қудрати тўғрисида қандай фикрда эканлигига тўхталиб, бундай деди: шу масала муносабати билан ваҳимага тушиш баъзан ўзимизга хос хусусият бўлиб қолмоқда, деб ўйлайман. Мен шахсан Совет Иттифоқи аввалдагидек ҳозирда ҳам кескинликни юмшатиш сиёсатини ўтказмоқда, деган фикрдаман.

# ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● БЕЛГРАД. Ўтган йил охирида Югославия пойтахти аҳолиси бир миллион кишилик шаҳарга айланди. Иттифоқ статистика бошқармасининг маълумотларига кўра, 1977 йилнинг бошида шаҳар аҳолиси. 1.011 минг кишига етди. Шаҳар чеккалари билан биргаликда Белграднинг аҳолиси 1 миллион 345 минг кишига етиб қолади. Бу эса урушдан кейинги дастлабки йиллардагига нисбатан қарийб тўрт баравар кўпдир.

● БОНН. Бу ерда ГФР канцлери Г. Шмидт билан АҚШ вице-президенти У. Мондейл ўртасидаги музокаралар тугади. Улар музокаралар тамом бўлгандан кейин ўтказилган матбуот конференциясида АҚШ билан ГФР ўртасидаги икки томонлама муносабатлар проблемаларини, шунингдек Ғарб мамлакатлари раҳбарларининг бўлажак учрашуви билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилганликларини айтдилар. Маълумки, бу учрашув етакчи капиталистик давлатларнинг иқтисодий ва молиявий қийинчиликларига бағишланади.

Бундан ташқари баъзи халқаро проблемалар, шу жумладан Яқин Шарқдаги аҳвол кўриб чиқилди.

● ЛИМА. Миллий статистика институтининг маълумотларига кўра, 1976 йилда Перу пойтахтида нарх-наво 44 процентдан зиёд ошган. Озиқ-овқат маҳсулотлари, энг зарур моллар қимматлашган, квартира ҳақи, кўрсатиладиган ҳар хил хизматлар тарифи кўтарилган.

● ДОР-УС-САЛОМ. Иоганнесбург яқинида жойлашган хром руда қазиб чиқарадиган «Кроондаль» шахтасида африкалик кончиларнинг забастовкаси уч кундан буён давом этмоқда. Полициянинг катта бўлинмалари етиб келганлигига қарамай, иш ташловчи шахтерлардан бир мингдан кўпроқ киши иш ҳақининг оширилиши, турмуш шароитининг яхшиланиши ва хавфсизлик техникаси юзасидан чоралар кўрилиши тўғрисидаги ўз талаблари қондирилмагунча ишни қайта бошлашдан бош тортмоқда.

(ТАСС, 26 январь).



ИТАЛИЯ. Йирик корхона эгалари ишлаб чиқаришни қисқартириш йўлидан бориб, ишсизлар армиясининг кўпайишига сабабчи бўлмоқдалар. Суратда: Миланда ёпиб қўйилган корхона олдидаги манзара.

ТАСС фотохроникаси.

# ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА

КОБУЛ, 26 январь. (ТАСС). Бу ерда Бутуниттифоқ «Техноэкспорт» бирлашмаси билан Афғонистон саноат ва кон ишлари министрлиги ўртасида республикага 1977—1978 йилларда геология-разведка ишлари олиб бориш соҳасида техникавий ёрдами кўрсатиш ҳақидаги ҳужжатлар имзоланди.

Совет Иттифоқи Афғонистонга ўз мутахассисларини юборади, геология-разведка асбоб-ускуналари, материаллар, эҳтиёт қисмлар, автотранспорт етказиб беради.

Контрактларда Айнак мис — руда конини батафсил разведка қилиш ҳам кўзда тутилган. Келажакда бу ерда кон-руда комбинати қурилади.

